

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**373** **Ҳужжатларни қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2347-1*

*(2012 йил 11 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон «Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 168-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директорианинг 2012 йил 14 февралдаги 10-сон буйруғи (рўйхат рақами 2347, 2012 йил 29 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 13-сон, 150-модда) билан тасдиқланган Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**А. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 5 июль,  
58-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги  
бош директорининг 2012 йил 5 июлдаги  
58-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ҳужжатларни қимматлилигини аниқлаш экспертизасини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Эксперт-текширув комиссияси** (бундан буён матнда ЭТК деб юри-тилади) — давлат архивлари, ҳудудий архив иши бошқармаларида бошқарув (иш юритиш), илмий-техника ва бошқа махсус ҳужжатлар қимматли-лигини аниқлаш экспертизасини ташкил этиш ва ҳужжатларни архивларга сақлаш учун топширишга тайёрлаш бўйича услубий ва амалий ишларни ўтказиш ҳамда давлат архивларининг жамлаш манбаи бўлган ташкилотлар-нинг ЭК ва МЭКлари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлашти-риш учун тузиладиган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия.».

2. 3, 3а ва 3б-иловалардаги «доимий сақланадиган йиғмажилдлар» де-ган сўзлар «сақлаш муддати 10 йилдан ортиқ бўлган вақтинча сақланади-ган йиғмажилдлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4, 4а ва 4б-иловалардаги «доимий сақланадиган йиғмажилдлар» де-ган сўзлар «шахсий таркиб бўйича йиғмажилдлар» деган сўзлар билан ал-маштирилсин.

4. 5-иловадаги «ЭК (ЭТУК)» қисқартмалари «ЭТК (ЭТУК)» қисқартма-лари билан алмаштирилсин.

5. 5а-иловадаги «ЭК (ЭТУК)» қисқартмалари «ЭК (МЭК)» қисқартмала-ри билан алмаштирилсин.